

**ПОРАХЎРЛИК ПРЕДМЕТИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

Иргашев Равшан Хамро Ўғли

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ундирув маркази

юрлик хизмат менежери

ravshan.irgashev1010@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20155412>

**Аннотация:** Мазкур ишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “моддий қимматликлар”, “мулкый манфаат” ва “пора” тушунчаларининг қўлланилиш доираси таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мазкур тушунчалар мустақамланган моддалар тизимли равишда гуруҳланган: “моддий қимматликлар” ва “мулкый манфаат” биргаликда 8 та моддада, “пора” атамаси эса 10 та модда ва алоҳида ЖК Махсус қисми 8-бўлимида қўлланилиши аниқланган. Мақолада Ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда ЖКнинг 210, 211-моддаларидаги таърифлар келтирилиб, пора олиш ва беришнинг қонундаги ифодаси ёритилган. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи томонидан “пора”, “моддий қимматликлар” ва “мулкый манфаат”га аниқ таъриф берилмаганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йилги 19-сонли қарорида ҳам мазкур тушунчалар бўйича етарли тушунтириш мавжуд эмаслиги қайд этилган. Мақола сўнгида “пора”, “пора предмети”, “порахўрлик”, “порахўрлик предмети”, “моддий қимматликлар” ва “мулкый манфаат” каби тушунчаларни чуқур илмий тадқиқ этиш зарурияти асослаб берилган, шунингдек, порахўрлик ҳаракатларининг ҳажми ва пора предмети тушунчасининг тўлиқлиги юзасидан муаммоли саволлар қўйилган.

**Калит сўзлар:** моддий қимматликлар, мулкый манфаат, пора, пора предмети, порахўрлик, Жиноят кодекси, Олий суд Пленуми қарори.

**“Моддий қимматликлар”** сўз бирикмаси ЖКнинг 127<sup>1</sup>-модда (Тиланчилик қилиш), 128-модда (Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш), 128<sup>1</sup>-моддаси (Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкый ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш), 192<sup>4</sup>-модда (Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш), 192<sup>9</sup>-модда (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192<sup>10</sup>-модда (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 210-модда (Пора олиш), 211-модда (Пора бериш), 213-модда (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 214-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214<sup>1</sup>-модда (Спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214<sup>2</sup>-модда (Спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш)ларида мустақамланган.

**“Мулкый манфаат”** эса ЖК нинг 165-модда (Товламачилик), 179-модда (Сохта тадбиркорлик), 188<sup>1</sup>-модда (Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият), 192<sup>9</sup>-модда (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192<sup>10</sup>-модда (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг

хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 210-модда (Пора олиш), 211-модда (Пора бериш), 213-модда (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 214-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214<sup>1</sup>-модда (Спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214<sup>2</sup>-модда (Спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш)ларида мустаҳкамланган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўришимиз мумкинки, **“моддий қимматликлар”** ҳамда **“мулкый манфаат”** тушунчалари ЖК Махсус қисмининг 8 та моддасида назарда тутилган.

“Пора” атамаси эса, ЖК Махсус қисмининг 192<sup>9</sup>-модда (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192<sup>10</sup>-модда (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 210-модда (Пора олиш), 211-модда (Пора бериш), **212-модда (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш)**, 213-модда (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 214-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214<sup>1</sup>-модда (Спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214<sup>2</sup>-модда (Спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш), **238-модда (Ёлғон гувоҳлик бериш)**ларида, яъни 10 та моддада ҳамда 8-бўлимда “Порахўрлик - пора олиш, пора бериш ёки бу жинойтларда воситачилик қилиш”да фойдаланилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “пора”[1] форсчада “майда пул, чақа; хайр-садақа: ришва, пора”ни англатиб, бирор бир ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга бериладиган ёки берилган нарса ёки пул маъносини беради.

ЖК 210-моддасида **“пора олиш**, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый манфаатдор бўлиши” тарзида, 211-моддасида **“пора бериш**, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш” тарзида **пора олиш ва пора бериш** қандай намоён бўлиши мустаҳкамланган.

Эътибор қаратидиган бўлсак, ЖКда “пора”, “моддий қимматликлар”, “мулкий манфаат” тушунчаларига таъриф берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сон қарорида ҳам бу борада тушунтириш учрамайди. Фақатгина мазкур Пленум қарорининг 2-бандида[2] “Пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шarti билан, лекин мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин”лиги тушунтирилган.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: **Пора нима? Пленум қарорида пора предмети нисбатан берилган тушунтириш тўлиқми? Порахўрлик предмети ва пора предмети бир маънони англатадими? Порахўрлик фақат пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилишдан иборатми?**

Фикримизча, “пора”, “пора предмети”, “порахўрлик”, “порахўрлик предмети”, “моддий қимматликлар”, “мулкий манфаат” каби тушунчалар чуқур илмий тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ саналади.

### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf)
2. <https://lex.uz/docs/1449106>